

НАВОИЙ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ
ЎЗБЕК ТИЛШУНОСЛИГИ КАФЕДРАСИ ЎҚИТУВЧИСИ
АЛЛАБЕРДИЕВ АЛИЖОН АВАЗБЕРДИЕВИЧ

МАХСУС МАВЗУ: НАВОИЙ ВИЛОЯТ ШЕВАСИ

Навоий вилояти ўзбек, қозоқ, тожиклар яшовчи маскан ва улар тилларининг ўзаро мулоқот ҳудуди ҳисобланади. Ушбу ҳудуд шеваларининг ўзига хос лисоний хусусиятларга эга эканлиги ҳам мана шундандир. Демак, ўзбек шеваларидаги бирор сўзнинг шевалараро турли хил фонетик вариантларда учраши, ёки унда нарс ва ҳодисаларнинг турли ном билан аталиши ушбу шеваларнинг тадрижий тараққиёт тарихи ўзига хос шароитда ривожланиши, ҳудуд шеваларининг ўзаро таъсири ва бошқа тилларнинг ҳудуд шеваларига таъсири билан боғлиқдир.

Навоий вилояти шевалари Кармана, Навбаҳор, Хатирчи, Қизилтепа, Нурота, Конимех туманларида жойлашган ўзбек қишлоқларини ўз ичига олади. Вилоят ҳисоб бошқармасининг маълумотига кўра (01.06.2010) Навоий вилоят ўзбек шеваларида сўзлашувчи аҳолининг сони 674 мингдан кўпроқ.

Маълумки, умумхалқ тилини тадқиқ қилиш шу тилда сўзлашувчи этнос тарихини ўрганишга кўп жиҳатдан боғлиқ. Чунки тилдаги ўзгариш ва ривожланишлар халқнинг турмуш тарзи, урф-одатлари, ижтимоий-иқтисодий тараққиётига алоқадор бўлади. Шунинг учун ҳам тадқиқ этилаётган шевалар тарқалган ҳудуднинг тарихига бир назар ташлаш жоиз деб биламиз. Чунки, Навоий вилояти маъмурий ҳудуд сифатида янги бўлса-да, аслида ушбу ҳудуд ўзининг қадимий тарихий ёдгорликларига, бой маданий меросига эга бўлган масканлардан биттасидир. Афсуски, бундай ёдгорликларнинг ҳаммаси ҳам бизгача етиб келмаган. Навоий вилоятининг таркибида кўхна Бухоро ва Самарқанд каби қадимий бўлган Кармана шаҳри бор. Кармана қадимдан йирик маданий марказлардан бири бўлганлиги тарихий манбаларда, тарихчи олимларнинг асарларида кўрсатиб ўтилган. (Наршахий, 1991, Ҳотамов А., Халилов Ш. 1995). Маълумки Кармана асрлар мобайнида ўлкамизнинг йирик маърифат ва маданият ўчоқларидан бири бўлган, унда савдо-сотик, маданий алоқалар ривожланган. Шунинг учун ҳам ўтмишда шаҳарнинг шухрати кенг ёйилиб, Марказий Осиёнинг Самарқанд, Бухоро, Шош, Насаф, Балх каби машҳур шаҳарлари қаторидан жой олган. Кармана ва унинг атрофидаги қишлоқлар тарихи узоқ полеолит даврига бориб

тақалади. Навоий вилоятининг ҳозирги Навбаҳор тумани Учтут, Ижанд, Сангбурсой, Воуш қишлоқларида ўтказилган археологик изланишларнинг натижасида бу ерлардан тош асри овчиларининг меҳнат қуроллари топилган. Шу билан бирга Кармана туманининг шимолий ҳудудларида қадимий қончилик маданиятининг изларининг топилиши ҳам Марказий Осиёда, хусусан, Ўзбекистонда бундан 5-7 минг йил аввал илк бор тоғ-кон саноатига асос солинганлигидан далолат беради. Шунингдек, Сармишсой дарасининг икки томонидаги қоя тошларга солинган суратлар ҳам ибтидоий маданиятнинг яна бир нодир намунасидир. Тош суратлар тадқиқотчиси А.Кабиловнинг таъкидлашича, бу тасвирларнинг ёши милоддан бурунги II минг йилликка мансубдир. Аجدодларимиз моҳир овчи бўлиш билан бирга юксак иқтидор соҳиби ҳам бўлганлар. Таниқли тарихчи олим А.Мухаммаджонов ўзининг «Қадимги Бухоро» номли китобида кўҳна Сўғд маданиятига мансуб қишлоқлар аввал Самарқанд атрофларида юзага келиб, сўнгра аста-секин Зарафшон дарёси бўйлаб ёйилганлиги, яъни ҳозирги Навоий вилоятининг Кармана, Навбаҳор, Конимех туманларидаги ерларда милодгача бўлган VI-V асрларда деҳқончилик қишлоқлари қад кўтарганлигини таъкидлайди. (Мухаммаджонов А., 1991; Ҳотамов А., Халилов Ш., 1995).

Маълумки, Буюк Ипак йўли Хитой, Ўрта Осиё ва Яқин Шарқ мамлакатларини ўзаро боғлаб турувчи қадимги савдо йўлидир. Кармана ана шу Буюк Ипак йўли устида жойлашган. Ипак йўли шаҳарнинг жануби-шарқ томонидан бошланиб, унинг жануби-ғарб томонидан ўтиб кетган. Бу, албатта, Кармананинг ўша даврда йирик савдо марказларидан бири бўлганлигини кўрсатади.

Навоий вилоятининг маҳаллий аҳолиси қадимдан ҳунармандчилик ва қосибчилик билан шуғулланишган. Ҳунармандчилик турларидан темирчилик, дурадгорлик, кулолчилик, позагарлик, аравасозлик, бешикчилик, чармчилик, наматчилик, қандолатчилик, мисгарлик, тош йўниш ва унга ишлов бериш ривож топган. Навоий ҳудуди ўтмишда турли этнос вакиллари истиқомат қиладиган ҳудуд бўлган. Бу ерларда узоқ ўтмишда ўзбеклар, тожиклар, яҳудийлар, форсийлар, қирғизлар, қозоқлар, туркманлар, араблар, ҳиндлар ва бошқа миллат вакиллари ёнма-ён яшаб келганлар, бизнинг давримизга келиб руслар, татарлар, озарбайжонлар, арманлар ва бошқа миллат ҳамда элат вакиллари ҳам қўшилганлар (Ҳотамов А., Халилов Ш., 1995, 52).

Карманадаги қадимги ёдгорликлардан Работи Малик - карвонсарой, истехком, қўрғон сифатида муҳим аҳамият касб этган. У 1069-1079 йилларда Буюк ипак йўлида қурилган. Работи Малик Марказий Осиёдаги монументал меъморчилик ёдгорликларидан бири. Археологларнинг Работи Маликда олиб борган қазилар ишларидан шу нарса маълумки, карвонсарой XI-XIII асрларда яхши сақланган. Шу орада у бир неча бор таъмирланган. У Ўзбекистондаги энг қадимги ва нодир ёдгорлик ҳисобланган. Ҳозир Работнинг пештоқи ва сардобаси қолган ҳолос. Бу қўрғон жуда кенг ва чиройли қилиб қурилганлиги ҳақида манбаларда маълумотлар келтирилган. (Ҳотамов А., Халилов Ш., 1995, 14). Яна бир машҳур тарихий ёдгорликлардан бири Кармана туманидаги Ҳазора қишлоғи яқинидаги Дехгарон оташгоҳидир. Дехгарон сўзи форсча бўлиб, «қозон қувчи», «қозон устаси» деган маънони билдиради. Дехгарон Зардуштийлик даврида қурилган бўлиши мумкин, деган фикрлар ҳам учрайди. Бизда ҳозирги вақтгача ўтга сиғинишнинг айрим белгилари сақланиб қолганлиги, яъни келин-куёвнинг олов атрофида айланишининг ўзи бу фикрлар тўғри бўлиши мумкин деган хулосани беради. Масжид бугунги кунда таъмирланиб ободонлаштирилган. Дехгарон масжидидан тахминан 300-350 метр чамаси Жанубий-Шарқ томонида Мавлоно Ориф мақбараси ҳам бор. Мавлоно Ориф ҳақида Саййид Муҳаммад Носирнинг ҳижрий ҳисоб билан 1328 йилда (милодий 1907 йил) Бухорода чоп этилган «Тухфат аз-зоирин» («Зиёратчиларга совға») асарида шайх ва авлиёлар тўғрисида маълумотлар берилган. Асарда Ҳазрати Саййид Кулол биринчи бўлиб тилга олинади. У киши ислом оламининг энг йирик намоёндаларидан биридир. Мавлоно Ориф эса унинг шогирди бўлган. Мазкур асарда Кулол айтадики, Мавлоно Ориф ва Баҳовуддин Нақшбандга тенг келадиган пир йўқ. Бу эса Мавлоно Орифнинг Ҳазрати Баҳовуддин Нақшбанд билан ҳамнафас замондош эканлигидан далолат беради. Кармана шаҳрининг марказига яқин жойда Мир саид Баҳром мақбараси жойлашган. Мақбара X-XI асрга хос бўлиб, республика ҳисобидаги ноёб ёдгорликлар қаторига киритилган. Ҳозирда у ободонлаштирилган Кармана шаҳрида Қосим Шайх меъморчилик мажмуаси ҳам мавжуд бўлиб, XVI асрларда яшаб ўтган Ўрта Осиёдаги йирик ислом оламининг мутафаккирларидан бири Қосим Шайх Азизонга Бухоро хони Абдуллахон томонидан ҳижрий 966 (милодий 1558) йилда барпо қилинди. Қосим Шайх Карманада яшаб, шу ерда вафот этган. Абдуллахон даврида бунёд этилган Қосим Шайх хонақасининг Шарқий

томонида унинг сағанаси бор. Бугунги кунда Қосим Шайх меъморчилик мажмуаси ободонлаштирилган.

Келтирилган материаллар ўзбек халқининг ўз қадимий тарихига эга эканини ва унинг кўҳна моддий ва маънавий бойликларига эгалигини тасдиқловчи нуфузли далиллардан биридир.

Президентимиз Ислам Каримов таъкидлаганидек, «Бизнинг аجدодларимиз, халқимиз қадим-қадимдан ўтроқ яшаган, миллатимизнинг илиги ўтроқ маданият шароитида қотган» (Каримов И.А. 1997. 70-74-бетлар). Ҳақиқатдан ҳам, Ўзбекистон ҳудудида яшаётган аҳолининг авлод-аждодлари қадим-қадимдан хунармандчилик, деҳқончилик, чорвачилик, савдо-сотиқ ишлари билан шуғулланиб келган туркий ва туркийлашган кўчманчи уруғ ва қабила вакиллари қўшилган бу ҳудудда қадимдан яшаган. Шунини алоҳида айтиш лозимки, қипчоқлар сон ва таркиб жиҳатидан ўзбек миллатини ташкил этишда катта этник таркибий қисм бўлиб қатнашди. Улар қадимги даврларда туркий халқларнинг қипчоқ гуруҳига кирувчи минг, юз, қирқ, қипчоқ (тор маънода), найман, қанғли, қиёт, қўнғирот, манғит, уйшун, кенагас, жалойир, мисит, дурман, қутчи, барқут, баҳрин каби уруғ ва қабилалар асосида ташкил топган бўлиб, Днепрдан ва Қора денгизнинг шимолий қирғоқларидан тортиб, Иртиш дарёси ва Балхаш кўлигача чўзилган, Жанубда Хоразм ва Сирдарёнинг қуйи оқими билан чегарадош бўлган кенг дашт XI асрдан бошлаб Дшати Қипчоқ деб номланган жойларда яшашган. Уларни рус манбаларида половецлар, грек манбаларида эса куманлар деб атаган (Бартольд, 1963, 103).

Қорахонийлар ҳукмронлиги даври – XI асрда Ўзбекистон ҳудудида чигил, қарлук, яғмо, арғулар истиқомат қилишган.

Ерли аҳолининг берган маълумотларига қараганда Навоий вилоятида ўзбекларнинг қўнғирот, кенагас, манғит, тома, қипчоқ (тор маънода), метон (муйтан), бурқут, хитой (қытай), хўжа, баҳрин, қора манғитлар, қалмоқ, мисит, саид, бек, эшон, қутчи, қирғиз, эсару, қарақалпоқ, эсавой, галавур, мўғул, ғубомбор, моври, қорача, ғулон, махсим, жалоир, найман, арғун, туркман, қапа, тахчи, ғулом, аймоқ, эрони, қорлук, қал, қозоқ, қалмоқ каби кўпгина уруғ ва қабила номлари сақланган. Бу уруғ-қабила номларининг кўпчилиги ҳозирги кунда қарақалпоқ, қозоқ, татар, нўғай, қирғиз, бошқирд, туркман ва бошқа туркий халқларнинг тилларида учрайди. Бундай бўлиши табиий. Чунки кўпгина туркий халқларнинг

ташқил топишида ҳам бу уруғ-қабилаларнинг иштирок этганлиги маълум. Бу ҳақда тарихий манбаларда ҳам қайд этилган. Демак, манғит, қўнғирот, қиёт, қипчоқ, хитой, қанғли, дурмон, кенагас, сарой, минг, қирқ, юз, лоқай, қўшқи, найман, чимбой, шунқарли, қовчин, чиройли, ийжон, салур, байри, арғин, бурқут, барлос, жалоир, қарлук, нукус, уйшин, ўтарчи, қатағон, кулан, арлат, қушоёқли, буйрук каби этнослар ўзбек ва Ўрта Осиёда яшовчи бошқа туркий элатларининг халқ сифатида шаклланишида иштирок этган муҳим компонент ҳисобланади (Жабборов И. 1994, 79). Туркий тиллар орасидаги ўхшашлик тасодифий ҳодиса эмас, уларнинг тарихий илдизлари бир манбага эга эканлигидандир. Маълумки, барча туркий тиллар уч йирик тил бирлиги (қарлук, ўғуз, қипчоқ) асосида гуруҳланади. Ҳатто туркий тилли Республикалар ҳам қарийб шу тил бирликлари асосида чегараланган. Аммо Ўзбекистон ўзининг кўп шева ва диалектларга эгаллиги билан алоҳида ажралиб туради.

Юқорида таъкидланган ана шу маълумотларнинг ўзиёқ бугунги ўзбек тилининг хилма-хил лаҳжалар асосида вужудга келганини тасдиқлайди. Булар қорлук-чигил-уйғур, ўғуз-қипчоқ лаҳжаларидир. Ўзбек адабий тили бу лаҳжаларнинг ҳаммаси билан узвий алоқада бўлиб, ўз луғат таркибини бойитиб келган. Ўзбек тилида сўзлашувчи аҳоли ўтмишда туркий қабилалар, қавмлар, элатлар билан бирга, туркий бўлмаган этник гуруҳлар билан ҳам яқин муносабатда бўлган. Турли иқтисодий ва маданий алоқалар бир ҳудудда қўшни ёки баъзан аралаш ҳолда яшаш жараёнининг содир бўлиши ўзбек шеваларининг айниқса, марказий шаҳарларда яшовчи ўзбеклар тилининг жиддий ўзгаришга учрашига сабабчи бўлди. Марказий ўзбек шеваларининг фонетик қурилишида туркий тилларга хос бўлмаган бир қатор белгилар юзага келдики, бундай хусусиятлар уни бошқа қардош туркий тиллардан кескин фарқланишига олиб келди. Лекин кучли фарқланиш асосан, марказий ўзбек шеваларига хос бўлиб, ўзбек тилининг қипчоқ ва ўғуз тип шевалари умумтуркий тилларга хос бўлган асосий белгиларни сақлаб қолган (Мадраҳимов О. 1973, 15). Жумладан, тадқиқотимиз объекти бўлган Навоий вилоят шеваларида ҳам умумтуркий сўзлар ўзлаштирилган сўзларга нисбатан кўпчилиқни ташқил қилади. Буни Навоий вилояти ўзбек шевалари бўйича тўпланган материаллар ҳам кўрсатади.

Ҳар бир халқ тилининг ўз луғат бойлиги - сўз хазинаси бор. Тилнинг луғат таркиби эса халқнинг тарихий тараққиётига боғлиқ ҳолда ўзгариб, бойиб боради. Баъзи бир эскирган сўзлар нутқий муомаладан чиқиб кетса, янги сўзларнинг ясалиши ва кириб келиши билан

тил муттасил бойийди. Мавжуд сўзларнинг маънолари ўзгаради, тобора кенгайтирилади ва тўлдирилади. Аммо тилнинг асосий луғат жамғармаси эса луғат тизимининг негизи сифатида асрлар бўйи сақланади. Ўзбек тилининг тарихини ўрганиш учун ҳам, албатта, аجدодларимиз қолдирган бой маданий меросларга мурожаат этамиз. Қадимги ёзма ёдгорликларни ҳам уруғ-қабила номлари билан боғлаб ўрганамиз. Чунки турли хил уруғ-қабилалар тилининг таъсири кейинги даврларга, яъни XI-XV асрларга оид ёзма ёдгорликларда ҳам сақланиб қолган. Бундай манбаларга «Девону луғотит турк», «Қутадғу билиг», «Ҳибатул ҳақойик», «Лексика Среднеазиатского тефсира XII-XIII вв.», «Қиссаи Рабғузий», «Аттахфатуз закиятун фил луғотит туркия» каби умум туркий тил, жумладан ўзбек тилининг бойлигини ўзида сақлаб келган нодир асарлар киради. Ўзбек халқ шевалярини тарихий жиҳатдан ўрганишда бу ёзма ёдгорликлар тилининг ўрни бекиёс. Бундай асарлар тилнинг тарихини ўрганиш учун асос бўла олади. Шу боис ҳам Навоий вилоят ўзбек шеваляри лексикасини тадқиқ этишда биз ушбу манбаларга мурожаат қилдик ва лексикасини улар билан қиёсий ўргандик.

Ўзбек шевалярининг жуда кўплаб хусусиятларини ўзида мужассамлаштирган Навоий вилоят шеваляри ишда Бухоро, Самарқанд, Қашқадарё, Сурхондарё, Сирдарё, Жиззах, Тошкент, ҳамда Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркменистондаги ўзбек шеваляри (қорлуқ ва қипчоқ шеваляри) билан қиёсий тадқиқ қилинди. Бу шевалярни бирлаштирувчи кўпгина хусусиятлар мавжуд бўлса ҳам, биз тадқиқ этаётган шеваляри ўзбек тилининг бошқа ҳудудларидаги шеваляридан маълум хусусиятлари билан фарқланади. Бу ҳол тадқиқ этилаётган ҳудуд шеваляри пайдо бўлган ва ривожланган шарт-шароитлари билан белгиланади. Навоий вилоят шевалярининг эгаси бўлган ва вилоятнинг Кармана, Навбаҳор, Нурота, Қизилтепа, Хатирчи, Конимех туманларида яшовчи аҳоли асрлар давомида туркий ва туркий бўлмаган бошқа халқлар билан бирга яшаб келган. Бу ҳол улар тилларининг бирига таъсир этишига сабаб бўлган. Вилоятнинг Конимех туманида қозоқ ва ўзбеклар аралаш яшашиди. Қозоқ аҳолисининг манғит, бурқут, хитой, қўнғирот каби уруғ-қабилалари мавжуд. Мазкур туманда қорақалпоқлар ҳам қадимдан яшаб келишган. Бу ҳақда тарихий манбаларда маълумотлар бор. Қорақалпоқлар вилоятнинг Навбаҳор туманидаги Кескантерак, Гигант қишлоқларида ҳам яшаганлар. Улар ўз тилларини унутиб, ўзбеклашиб кетганлар. Уларнинг қўнғирот, қипчоқ, кенагас ва метон (муйтен) каби уруғлари бор. Туманнинг «Иттифок» ширкат хўжалиги ҳудудидаги «Араб сарой» қишлоғида араблар ҳам яшаб келган.

Бугунги кунда ҳам уларнинг авлодлари яшаб келмоқда. Араб аҳолиси Қизилтепа туманидаги «Арабон» кишлоқларида, Хатирчи туманидаги Кўксарой ширкат хўжалигига қарашли «Араб» кишлоғида ҳам яшаган. Вилоятдаги араб миллатига мансуб аҳоли асосан VIII асрнинг бошларида, яъни Ўрта Осиёни араблар томонидан фатҳ этилиши туфайли келиб қолган. Навоий вилоятининг Қизилтепа ва Нурота туманларида тожик аҳолиси яшайди. Тарихий ва этнографик асарларда, тожик халқи (элати) ва унинг тили 875-999 йилларда ҳукм сурган (пойтахти Бухоро шаҳрида бўлган) сомонийлар сулоласининг марказлашган давлати даврида ташкил топган. (Очерки общей этнографии, 1960, 171).

Навоий вилоятида турли миллат вакиллари аралаш яшаётганлиги учун ҳам аҳоли ўртасида бир тиллиликдан ташқари нутқий мулоқотнинг яна қуйидаги кўринишлари мавжудлиги аниқланди: тожикча-ўзбекча, ўзбекча-тожикча, қozoқча-ўзбекча, икки тиллилик; ўзбекча-русча, қozoқча-русча, тожикча-русча икки тиллилик, тожикча-ўзбекча-русча, ўзбекча-қozoқча-русча уч тиллилик каби. Тожикча-ўзбекча икки тиллилик Қизилтепа Нурота туманларининг шаҳар ва айрим кишлоқ аҳолиси ўртасида, қozoқча-ўзбекча икки тиллилик Конимех туманидаги аҳоли ўртасида мавжуддир. Бир тилда, яъни ўзбек тилида сўзловчи аҳолиси Навоий вилояти бўйлаб тарқалган бўлиб, Кармана, Навбаҳор, Хатирчи туманларининг барча шаҳар, кишлоқларида яшашади ва улар икки тилли аҳолига нисбатан кўпчиликни ташкил этади. Икки тилда ва бир тилда сўзлашувчи аҳолининг нутқи, унинг фонетик, морфологик ва лексик хусусиятлари бир биридан сезиларли даражада ажралиб, фарқланиб туради.

Демак, Навоий вилояти шеваларининг бошқа шевалар билан ўхшаш ва фарқли томонларининг мавжудлиги шевалар тарқалган ҳудуднинг жойлашув ўрни, маълум тарихий шароитлари, аҳоли этник таркибининг турлилигига боғлиқдир. Шунингдек, бу фарқлар тадқиқ этилаётган шева вакиллариининг асрлар давомида, қардош, қардош бўлмаган халқлар билан ўзаро яқиндан алоқада бўлганлигидандир.

Навоий вилоят шеваларининг тарқалиши жуда кенг ҳудудни ташкил этади. Юқорида таъкидланганидек, аҳоли этник таркибининг турлилигига, аҳоли пунктининг жойлашув ўрни ва турли тарихий шароитларига боғлиқ ҳолда бу шеваларда ўзига хос фонетик ҳодисалар, морфологик шакллар, лексикага оид ўзгачаликлар вужудга келди.

Навоий вилояти Бухоро ва Самарқанд вилоятларига тегишли ҳудудлар асосида ташкил этилган. Навоий вилоят шевалари ҳудудий ёндош жойлашган ҳамда генетик тил хусусиятлари билан бир хил тип шевалар массивини ташкил этган Бухоро ва Самарқанд шева гуруҳи вакиллари касби қори, машғулоти ёки бошқа тил ва шевалар билан алоқалари ва улардан озиқланиши натижасида юз берган ва бераётган хусусиятларнинг излари сезилиб туради. Мана шу томондан Навоий вилоят шевалари Бухоро ва Самарқанд шеваларидан фарқланади. Бу фарқ кўпроқ лексикада кўринади. Бундан ташқари фонетик ва морфологик воситаларни ишлатилишида ҳам фарқлар учрайди.

Текширишлар давомида Кармана, Навбаҳор, Нурота, Қизилтепа, Конимех, Хатирчи шевалари ҳали ҳам ўзида жуда кўплаб лисоний бирликларни сақлаб келаётгани аниқланди.

Навоий вилоятида турли миллат вакиллари яшасада, Навоий вилоят шеваларининг туркий заминини қипчоқ ва қорлуқ-чигил-уйғур тил бирлиги ташкил этади.

Қорлуқ шевалари Навоий вилоятининг жуда кўплаб шаҳар, туман ва қишлоқларига тарқалгандир. Масалан, Кармана ва унинг атрофидаги Янгиариқ, Обранон, Чоркалла, Арғун, Варқ, Каттамачит қишлоқларда, Ҳазора, Нарпай фуқаролар йиғинига қарашли қишлоқларида, Навбаҳор туманининг Учтут, Қалқонота, Арабсарой, Янгиқўрғон, Янгийўл; Хатирчи туманининг Оқолтин, Боғчакалон, Қорача, Янгийўл; Нурота шаҳар, Конимех туманидаги Қумрабод, Молтов, Ўзбекистон, Чордара, Қизилтепа туманидаги Арабон, Оқолтин, Ванғози, Зармитан қишлоқларида яшовчи аҳоли кўпроқ қорлуқ лаҳжасида сўзлашадилар. Қипчоқ шевалари эса Кармана туманининг Дурман, Жалоир, Навбаҳор туманининг Ижанд, Қирқарик, Қизилработ, Гигант, Қўшқочди, Кескантерак, Қоражон қишлоқларида; Қизилтепа туманининг Бўстон, Ғардиён қишлоқларида; Нурота туманининг Қизилча, Чўя, Янгибино, Деҳибаланд қишлоқларида; Конимех туманида; Хатирчи туманининг Чилош, Новжа, Бўғирдоқ, Денов, Симитан, Гумбаз, Чанқай, Боғчакалон, Олтинсой қишлоқларида тарқалгандир. Бу ҳудудларда қипчоқ лаҳжасига хос лингвистик хусусиятлар кўпроқ сақланган.

Навоий вилоятида ҳам қорлуқ, ҳам қипчоқ шеваларида гаплашиладиган аҳоли мавжуд бўлиб, улар Кармана туманининг Лангар қишлоғида, Навбаҳор туманининг Олчин, Ҳаловоттепа, Бешрабод қишлоқларида; Нурота туманининг Қизилча, Деҳибаланд, Ғазғон, Чўя, Янги бино қишлоқларида, Хатирчи туманининг жуда кўплаб қишлоқларида, Конимех

туманининг Қумрабод, Тельман қишлоқларида; Қизилтепа туманининг Узилишкент, Сарой, Андоқ қишлоқларида истиқомат қилишади.

Ўғуз шеваларининг айрим хусусиятлари Навоий шаҳридаги Туркман маҳалласида, Нурота туманидаги Чўя фуқаролар йиғинига қарашли бўлган айрим қишлоқларда учрайди.

Навоий вилояти бўйича тадқиқот давомида йиғилган материалларнинг лингвистик таҳлиliga кўра мазкур шевалар уч катта гуруҳга бўлиб тасниф қилинди: 1. Қорлуқ тип шевалар; 2. Қипчоқ тип шевалар; 3. Аралаш тип шевалар.

Мавзу асосан лексикага бағишланган бўлса ҳам, мазкур шеваларга хос фонетик ва морфологик хусусиятларга ҳам экскурслар беришни лозим топдик. Чунки тилнинг барча сатҳлари бир-бирига боғлаб ўрганилгандагина, уларнинг таракқиёт даражаларини тўғри белгилаш мумкин.

Морфологик шакллари, сўз ва унинг маъноларини аниқлаш учун фонетик қонуниятларни ҳисобга олиш зарур бўлади. Бу кўпроқ шеваларнинг лисоний хусусиятларини ўрганиш учун ҳам фойдалидир Бундан ташқари Навоий вилоят шевалари биринчи марта тадқиқ этилаётгани учун ҳам шеваларнинг фонетик ва морфологик форматлари устида бир оз тўхтаймиз.

Навоий вилоят шеваларини ўрганиш, уларни қиёсий-тарихий, лисоний-жўғрофий йўналишда таҳлил қилиш ўзбек шевашунослиги ва ўзбек тили тарихи учунгина эмас, балки туркология учун ҳам қимматли илмий-назарий хулосалар беришга шубҳа йўқ. Мазкур шевалар бўйича тўпланган материаллар ўзбек адабий тилини бойитишда асосий манба бўлиб хизмат қилиши табиий. Тадқиқотимиз ҳам мана шу бой лисоний хусусиятларга эга бўлган ўзбек шевалари лексикасини мукаммалроқ ўрганиш, унинг заминида сақланиб келаётган бой лисоний меросимизни асраш каби мақсадларга қаратилгандир.